
Данғара тумани Катта Аравон МФЙ ёшлари туман ҳокими билан учрашди.

Данғара тумани 3-сектор ҳудудида жойлашган Катта Аравон МФЙ ёшлари туман ҳокими ҳамда сектор раҳбарлари билан учрашди.

Учрашув бошида Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан йўлга қўйилган “Ёшлар дафтари” орқали Данғара тумани ёшларига кўрсатилган манзилли ёрдамлар, туманда ўтган давр мобайнида ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида олиб борилган ишлар, амалга оширилган ислохотлар тўғрисида гапириб ўтдилди.

Самимий ва ошкора руҳда ўтган тадбирда ёшларнинг илғор ғоялари, таклиф ва ташаббуслари билан яқиндан танишилди.

Ёшлар мурожаатлари тегишли мутасаддилар иштирокида эшитилиб, ҳал қилиш чора-тадбирлари белгиланди. Айрим муаммолар жойнинг ўзида ҳал қилинган бўлса, қолганларига ўрганиб чиқиш учун муддатлар белгиланди.

2024-07-24 18:35:43